



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№1

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д. Ф.А.Сафаров  
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.**

**Таҳририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

**Таҳририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Таҳрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>Комил Бахрамович Уразов, Лобар Джафаркуловна Алиева</b> Корхоналар соф активларидаги ўзгаришларга аудиторлик баҳосини бериш	160
<b>БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>	
<b>Хуббим Аскарлович Улашев</b> Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали камбағалликни қисқартиришга эришиш чоралари	167
<b>Ашур Али Рустам ўғли Латипов</b> Иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўзини ўзи банд қилиш билан боғлиқ хизматларнинг асосий йўналишлари	172
<b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Ithom Begmatdulobovich Mattiyev</b> Talabalarda salomatlikni ta'minlash jarayonida jismoniy tarbiya va sog'lomlashtirishga bo'lgan dunyoqarash omillari	178
<b>Акмал Алимжонович Салимов</b> Таълим тизимини самарали бошқаришда “умр давомида таълим” концепциясининг ўрни	182
<b>Sherzod Alimardonovich Kuldashev</b> Та'lim xizmatlari bozorida oliy ta'lim muassasalari raqobatbardoshligini oshirishning muhim omillari	186
<b>Mirzabek Kulmamatovich Jonuzokov</b> O'zbekiston oliy ta'limida investitsiyaviy jozibadorlik: muammo va yechimlar	191
<b>ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР</b>	
<b>Мамаюнус Пардаев, Мурод Муҳаммедов</b> Таълим соҳасида Япония ва Хитой тажрибаларидан айрим битиклар	197

Акмал Алимжонович Салимов – ЎзДЖТСУ, профессор в.б., иқтисод фанлари  
бўйича (PhD)

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА “УМР ДАВОМИДА ТАЪЛИМ” КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ЎРНИ

**Аннотация:** бу мақолада ҳозирги даврда олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш муаммолари ва уларга қўйилаётган талаблар келтирилган, шунингдек, иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини ривожлантиришда кадрларнинг “кадрларга бир умрга етадиган таълим”дан “кадрларнинг умр давомида таълим” концепциясига ўтиш зарурати асосланган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, тармоқ, соҳа, билим, таълим, талаба, ахборот, вазифа, ўқитиш, капитал, инновация, сифат, қобилият, бошқарув, иқтисодиёт.

**Кириш.** Жаҳонда, шу жумладан мамлакатимизда ҳам иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларини жадал равишда тараққий эттириш, бошқарув йўналишларини модернизациялаш ва диверсификациялаш, мамлакат мустақиллиги ва куч-қудратини мустаҳкамлаш, янги иш ўринларини яратиш ва кўпайтириш, хорижий ва маҳаллий инвестициялар ҳамда валюта тушумлари ҳажми ва салмоғини ошириш, пировардида халқ фаровонлигини, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш мақсадида энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни яқин истиқболда амалга ошириш учун узлуксиз таълим тизимидаги ислохотлар, уларни босқичма-босқич амалга оширишнинг зарурати, сифати ва самарадорлиги тобора юксак долзарблик касб этмоқда.

Зеро, бугунги глобаллашув шароитида замонавий ҳаётни илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Агар инсониятни илм-фан ўқи атрофида айланаётган деб тасаввур қилсак, билимлар эса унинг ғилдирагини айлантиради. Билимлар ўз навбатида узлуксиз таълимнинг олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим тизимида яратилади, сақланади, бойитилади ва тарқатилади. Жаҳоннинг етакчи хорижий мамлакатларида, жумладан юртимизда таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланганлиги бежизга эмас. Ваҳоланки, ҳар бир мамлакатнинг келгуси равнақи, истиқболдаги стратегик режаларининг бажарилиши айнан шу йўналишда қўлга киритган ютуқ ва имкониятлари билан бевосита узвий боғлиқдир.

Бугунги рақамли ва бозор иқтисодиёти, инновацион технологиялар ҳамда тезкор ахборот алмашинуви шароитида жамиятда шахснинг ўз ўрнини топа олишининг зарур ва муҳим шarti узлуксиз таълимнинг барча таркибий босқичларида билимли, иқтидорли, креатив фикрлайдиган ва масъулиятли рақобатбардош юқори малакали кадр бўлиб етишишидир. Ҳолбуки, юртимизда адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланган сифатли таълим-тарбия масаласи ҳозирги даврда кун тартибида турган энг долзарб масалалар қаторидан ўрин олган.

Аммо бу йўналишда юртимизда эришилган ижобий натижалар билан бирга қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2024 йилда амалга оширилаётган устувор вазифалар юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратди: “Олий таълимда қамров кескин ошди, соҳага хусусий сектор кириб келди. Лекин сифатга етарли эътибор қаратилмаяпти. Масалан, талабаларнинг мустақил ишлаши учун муҳит барча олийгоҳларда ҳам бирдек намунали ташкил этилмаган. Аксарият коллеж ва техникумлар ҳам, олийгоҳлар ҳам иш берувчилар талаби билан ҳисоблашмайди. Айримларида дарслик ва адабиётлар етишмайди, бори ҳам бугунги талабларга жавоб бермайди. Илм-фан ва инновацияларга етти йилда 6 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Лекин илм-фанда “харажат – тадқиқот – маҳсулот” деган формула ишламаяпти” [1]. Демак, кўпгина тармоқ ва соҳаларда шиддат билан ислохотлар амалга оширилаётган бўлса-да, анъанавий таълим тизимининг имконияти чегараланган,

аҳоли қатламлари турли сабабларга кўра олий таълим хизматларидан ўз вақтида тўғри фойдалана олмаяпти, давр талаблари, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига зарур маҳорат ва малакаларга бўлган талабнинг ортаётганлиги олий ва юқори малакали кадрлар, раҳбар ва соҳа мутахассисларининг умри давомида узлуксиз равишда малака оширишлари ва қайта ўқишларига заруратни кескин ўсиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли мазкур мақолани тайёрлашдан асосий мақсад, юқоридаги масаланинг долзарблиги юзасидан, давр талабига мувофиқ келадиган олий маълумотли кадрлар тайёрлашни бошқаришда билимларнинг ўрни ва бир умр меҳнат қилишга мўлжалланган таълимга нисбатан умр давомида таълим концепциясининг устунликларига эътиборни қаратишдир.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Сўнгги йилларда дунёда кўпгина олимлар ва илмий тадқиқотчилар томонидан билимлар иқтисодиёти ва менежменти масалалари бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Булар қаторида Ғуломов С., Бегалов Б. “Миллий иқтисодиётда ахборот ва билимларнинг тутган ўрни тобора юксалмоқда ва улар стратегик ресурсга айланди” [2. Б.75] деб ёзишган.

Садовничий В.А.нинг эътироф этишича, “Таълимда ҳамма нарсани бозор тамойилларига киритиш мумкин эмас, шунга кўра таълим – тўловга йўналтирилган хизмат, билим – маҳсулот, талаба эса харидор” [3]. Ғойибназаров Б., Турғунов Т.ларнинг фикрига кўра “Ҳозир университет дипломини олиш умр давомидаги таълим жараёнидаги қадамлардан фақат биттасидир” [4. С.114]. Очилов А.О. ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот иши натижалари “Билимлар иқтисодиётида ишлаб чиқариш билимларга асосланади. Билимлар – замонавий иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи, ишлаб чиқариш, меҳнат, ер ва бошқа технологик жараёнлар устидан назорат ўрнатувчи. Билимли инсон юрт равнақи ва жамият тараққиёти учун хизмат қилувчи асосий омил” [5. Б.142]лигини кўрсатган. Шунингдек, Карпенко М. тадқиқотлари “... талабаларнинг барча ўсувчи талабаларини қондириш зарурати билан бирга олий таълимнинг бош вазифаси уларни бутун ҳаёт давомида ўқишга ўргатиш зарурати” [5. С.367] эканлигини исботлади.

**Тадқиқот методологияси.** Илмий тадқиқот ишида таққослаш, индукция, дедукция, математик-статистик таҳлил, сўровнома усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлиллар ва натижалар.** Илмий изланишларга тегишли бўлган илмий адабиётлар ва мақолаларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш натижасига кўра шуни айтиш мумкинки, ҳозирги миллий, инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида тезкор ахборот ва билимларнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлмоқда, уларнинг рейтинги ва нуфузи жуда тез юксалмоқда. Шу билан бирга билимлар иқтисодиётида билимлар капитали вужудга келмоқда, зеро, улар янги ғоялар, яратилаётган инновациялар ва технологиялар, шунингдек, ишлаб чиқариш самарадорлиги манбаи ҳисобланади. Зеро, билимлар иқтисодиётида ишлаб чиқариш амалга ошириладиган меҳнат ёки хизмат ҳажми, тури ва мазмунига эмас, балки билимларга асосланади. Бундан ташқари, 1996 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотлари (ОЭСР) мамлакатларининг таълим вазирлиги томонидан қабул қилинган “Бутун умр давомида таълим” концепцияси инсоннинг бутун ҳаёти давомида “ҳар қандай таълим, ҳар қандай ҳолатда, ҳар қандай мазмунда, ҳар қандай жойда, ҳар қандай вақтда ва кадрли” концепциясига мувофиқ билим ва малакаларни ўқиш ва ўзлаштиришга имконият яратади. “Бутун умр давомида таълим” концепциясининг мазмуни – бу бутун ҳаёт давомида таълим ва ўқитишнинг турли тузилмаларида ўқиш, ўзлаштириш, билимларни яратиш, сақлаш, ошириш, қайта ишлаш ва тарқатишдир.

“Таълим – бутун умр давомида” тушунчаси моҳиятининг ўзи инсон фақат мактаб ёшида эмас, балки бутун меҳнат фаолияти даврида таълим беришнинг ҳам расмий, ҳам норасмий тузилмаларида таълим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши кераклигини эътироф этишдир. Яъни “Таълим – бутун умр давомида” стратегияси инсон умрининг барча босқичларида турли шаклларда ва турли соҳаларда билим олиши зарурлигини назарда тутди. Мазкур йўналишнинг бир бўғини сифатида олий таълим

соҳасини кўриб чиқсак, мазкур соҳада сўнгги йилларда қатор ижобий ўзгаришлар ва янгиликлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин.


Жумладан, бугунги кунда олий таълим муассасаларида талабалар сони 1 млн. 300 минг нафардан ошди. Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 38 фоиздан 42 фоизга оширилди.

2023 йилда олий таълим муассасаларини жами 176 минг нафардан ортиқ талабалар муваффақиятли битирди. Ушбу кўрсаткич ўтган 2022 йилга нисбатан 59,7 фоизга ошди.

Олий таълим муассасаларида хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторинги тизими жорий этилди.

Академик, ташкилий-бошқарув ва молиявий мустақиллик шароитида олий таълимнинг меъёрий-услубий ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва таълим жараёнига татбиқ этиш тизимини такомиллаштириш, кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинган таълим жараёни сифатини ошириш мақсадида етакчи олий таълим муассасалари қошида 26 та олий таълим соҳаси бўйича Мувофиқлаштирувчи соҳа кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу кенгашлар томонидан 2023/2024 ўқув йили учун жами 1138 та малака талаблари (шундан, 600 та бакалаврият, 538 та магистратура) ишлаб чиқилди ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланди, шунингдек, малака талаблари асосида олий таълим муассасалари томонидан 1208 та ўқув режа ва таркибидаги фанлар бўйича 5000 дан ортиқ ўқув дастур (силлабус)лар ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга бугунги кунда олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Қуйида 2023 йилда олий таълим муассасаларини илмий салоҳияти ҳамда ҳимоя қилинган диссертациялар тўғрисида маълумот келтирилмоқда (1-расм).



**1-расм. 2023 йилда олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти ҳамда ҳимоя қилинган диссертациялар сони<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Инсоннинг билимлар билан бойишининг доимий жараёни ҳозирги шароитда фаннинг жамият ҳаётидаги ролининг ортиб бориши билан тавсифланмоқда. Буни эса узлуксиз ривожланувчи ва ривожланиш жараёнида табақалашувчи таълим тизимисиз амалга ошириб бўлмайди.

**Хулоса ва таклифлар.** Жамиятда корхона ва ташкилотлар фаолиятини режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш асосида бошқариш, истеъмолчилар учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун жалб қилинган билимлар узлуксиз тарзда янгиланиб, ривожлантирилиб, такомиллаштирилиб борса, ишлаб чиқариш жараёнларида маҳсулот ва хизматлар қиймати, сифати ва самарадорлигини оширади. Шунга кўра, капиталнинг ҳам табиати ўзгариб бормоқда, яъни у жисмоний капиталдан товар капиталига, молиявий капиталга, инсон капиталига, ҳозирги даврда эса интеллектуал капиталга айланди. Инсон капитали ОТМларида ўқитиш билан тенг равишда олий маълумотли кадрларнинг меҳнат бозоридаги малакавий, касбий, интеллектуал, илмий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва тадбиркорлик қобилиятларини, яъни уларнинг рақобатбардошлигини аниқлаб берувчи омилдир. Ваҳоланки, давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган талаблар ва бизнинг пировард мақсадимизга мос равишда олий таълим муассасаси битирувчиси – бакалавр (магистр) жамиятдаги трансформациялар, инновациялар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишларини тасаввур эта олиши, мустақил мушоҳада юрита олиши, касбий, маънавий-маърифий ва ижтимоий-иқтисодий билим ва малакаларини амалиётга жорий қила олиши, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориши, жараёнлар ва натижаларни таҳлил қилиши, баҳолаши ҳамда бошқарув қобилиятларига эга бўлиши зарур ва етарлидир. Бунда иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида билимли, сифатли ва самарадор кадр бўлиб ишлаш учун “кадрларга бир умрга етадиган таълим” концепциясидан, яъни бир марта олий таълимда ўқишдан “кадрларнинг умр давомида таълим” концепциясига ўтиш ва унинг тартиб-қоидаларига амал қилиш объектив зарурат ва мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим муассасаларининг самарали бошқаруви, олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим сифати, бошқарув жараёнлари механизмини такомиллаштириш имкониятларини кенгайтиради. Демак, билимларни бошқариш бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили, шунингдек, инсон капитали тараққиётининг асосий воситаси сифатида қаралиши мақсадга мувофиқдир. Ваҳоланки, инсон омили юрт равнақи, жамият тараққиёти ва янгиланишининг энг асосий омилдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев М.Ш. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2024 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши. Манба: <https://www.iibb.uz/uz/news/videoselektor-05022024>

2. Ғуломов С., Бегалов Б. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида таълим сифатини юксалтириш йўллари // Иқтисодиёт ва таълим. – 2010. – 2. – Б. 72-75.

3. Интервью с ректором. Московский государственный университет им. М.В.Ломоносова // Торгово-промышленные ведомости. – 2009. – 13 (июль).

4. Ғойибназаров Б., Турғунов Т. Бозор шароитида ижтимоий соҳанинг ривожланиши // Иқтисодиёт ва таълим. – 2009. – 6. – 19-20-бетлар.

5. Очилов А.О., Эргашев Т.Ш., Сафаров Ш.С. Замоनावий кадрлар – Учинчи Ренессанснинг таянч устунлари. Монография. – Қарши, “Intellect” нашриёти, 2023. – 343 б.

6. Карпенко М. Новая роль высшего образования в эпоху развития инновационной экономики, глобализации и депопуляции // Знание. Понимание. Умение. – 2007. – 4. – С. 31-39.

<p><b>А.Салимов</b></p> <p><b>Роль концепции “Образование в течении жизни” в эффективном управлении системой образования</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в данной статье представлены проблемы подготовки высококвалифицированных кадров в высших учебных заведениях и требования к ним, а также необходимость перехода от “образование кадров на всю жизнь” к концепции “образование кадров через всю жизнь” кадров в развитии отраслей и секторов экономики.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> высшее образование, отрасль, сектор, знание, образование, студент, информация, миссия, обучение, капитал, инновация, качество, способность, управление, экономика.</p>	<p><b>A.Salimov</b></p> <p><b>The role of the concept of “Life long learning” in the effective management of the education system</b></p> <p><b>Abstract:</b> this article presents the problems of training highly qualified personnel in higher educational institutions and the requirements for them, as well as the need to move from “personnel education for life” to the concept of “personnel education throughout life” in the development of industries and sectors of the economy.</p> <p><b>Keywords:</b> higher education, industry, sector, knowledge, education, student, information, mission, training, capital, innovation, quality, ability, management, economics.</p>
--	---

**Sherzod Alimardonovich Kuldashev** – SamISI, “Iqtisodiyot nazariyasi” kafedrası katta o‘qituvchisi, PhD

### **TA’LIM XIZMATLARI BOZORIDA OLIY TA’LIM MUASSASALARI RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISHNING MUHUM OMILLARI**

**Annotatsiya:** Ushbu maqola ta’lim xizmatlari bozorida oliy ta’lim muassasalari raqobatbardoshligining ahamiyati, raqobatbardoshlikni shakllantirish xususiyatlari va shart-sharoitlari, oliy ta’lim muassasalarida raqobatbardoshlikni oshirish tamoyillari tadqiq etilgan.

**Kalit so‘zlar:** oliy ta’lim, ta’lim xizmatlari, raqobatbardoshlik, innovatsion, korporativ hamkorlik, xalqaro reyting va tamoyillar.

**Kirish.** O‘zbekistonda ta’lim xizmatlari bozorining rivojlanish qonuniyatlari va xususiyatlarini aniqlash, oliy ta’lim muassasalarida yuqori malakali mutaxassislar tayyorlash va ularning munosib ish o‘rinlari bilan bandligini ta’minlash muammolarini tadqiq etish, ta’lim xizmatlari bozorini davlat tomonidan tartibga solishning samarali usullarini ishlab chiqish hamda uning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirishga e’tibor tobora kuchayib bormoqda. Ta’lim xizmatlari sohasining rivojlanishi, muntazam o‘sib borayotgan yuqori malakali mutaxassislarga kengaytirilgan takror ishlab chiqarish ehtiyojlarini qondirish ushbu xizmat turlari bozorida talabning oshishini ta’minlovchi muhim omil hisoblanadi. Shu bois, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasida “... avvalo ta’lim va tarbiyani rivojlantirish, sog‘lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm-fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g‘oyamizning asosiy ustunlari bo‘lib xizmat qilishi lozim”, deb ta’kidlagan. Bu vazifalarni hal etishda ta’lim xizmatlari bozorida oliy ta’lim muassasalari raqobatbardoshligini oshirish omillarini aniqlashtirish, raqobatbardoshligini baholash uslubiyatini takomillashtirish, ta’lim, fan va ishlab chiqarish integratsiyasini mustahkamlash va ta’lim xizmatlari sifatini oshirishning ilmiy-uslubiy asoslarini takomillashtirish va samarali mexanizmlarini takomillashtirish yo‘nalishidagi tadqiqotlar ko‘lamini kengaytirish kabi masalalar dolzarb bo‘lib hisoblanmoqda.

**Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili.** Ta’lim xizmatlari bozorida oliy ta’lim muassasalari raqobatbardoshligini oshirish masalalari iqtisodiy adabiyotlarda kam o‘rganilgan. Xususan, G. Axunova [1], V.S.Bajenova [2], M.Q.Pardayev [3], N.Sh.Vatolkina [4], M.A.Lukashenko [5], L.V.Zaxarova [6] kabi olimlar ta’lim xizmatlari, oliy ta’lim tizimiga

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

06.03.2024 йилда теришга берилди. 29.03.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0024А/30.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.